

А Ж Р И М

2023 йил март ойининг 10 куни жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи - шаҳар судининг судьяси Э.Пирматов, судья ёрдамчиси А.Тулановнинг котиблигида, Андижон шаҳри бўйича ИИОФМБ Пробация бўлими вакили Ш.Адхамовнинг иштирокида, Андижон шаҳри бўйича ИИОФМБ томонидан А.Иминовга нисбатан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ҳақида билдирилган тақдимномани унга илова қилинган ҳужжатлар билан бирга кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг 2017 йил 18 сентябрдаги ҳукмига асосан:

Иминов Абдулла Хайдарович, 1963 йил 12 декабрда Андижон шаҳрида туғилган, Ўзбекистон фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти ўрта, оилали, 4 нафар фарзанди бор, судланмаган, ЯТТ, Андижон шаҳри, Ўзгариш МФЙ, М.Аъзам кўчаси, 1-уйда яшайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 5-қисми билан айбли деб топилиб, ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб 7 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, 2020 йил октябрь ойининг 5 куни жиноят ишлари бўйича Охангарон шаҳар суди томонидан ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмай қолган 3 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга ҳар ойлик иш ҳақинининг 10 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган.

Тақдимномада А.Иминов жазо ўтаб келаётгани, намунали хулқи, зиммасига юклатилган вазифа ва мажбуриятларни тўла бажариб келаётгани, содир этган қилмишидан пушаймонлиги, бошқа маҳкумларга ўрнак бўлаётгани, жазони 2/3 қисмидан кўпроғини ўтаб бўлгани кўрсатилиб, уни ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўталмай қолган 1 йил 2 ой қисмидан ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “в” бандига асосан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш сўралган.

Суд, тақдимнома ва унга илова қилинган ҳужжатларни муҳокама қилиб, ИИОФМБ Пробация бўлими вакилининг тақдимномани қаноатлантириш ҳақидаги фикрини, А.Иминовнинг баёнотини тинглаб, қуйидаги асосларга кўра тақдимномани қаноатлантиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “в” бандида шахс ўта оғир жинояти учун, шунингдек жазодан муддатидан илгари шартли озод қилинган ёки жазоси енгилроғи билан алмаштирилган шахс жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этганлиги учун ҳукм қилинган бўлса, суд тайинланган



жазо муддатининг камида учдан икки қисмини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиниши мумкинлиги кўрсатилган.

Суд, А.Иминовга ўрнатилган тартиб-қоидаларини бажариб, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлганини, суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг учдан икки қисмидан кўпроғини ўтаб бўлганини назарда тутиб, уни тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўталмай қолган қисмини ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишни лозим топади.

Бинобарин, суд Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси, ЖПКнинг 536, 541,542-моддаларига асосан

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Андижон шаҳри бўйича ИИОФМБ бошлиғининг маҳқум Иминов Абдулла Хайдаровичга нисбатан киритган тақдимномаси қаноатлантирилсин.

Иминов Абдулла Хайдарович ўталмай қолган 1 йил 2 ой қисмидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “в” бандига асосан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинсин.

Ажримдан норози тарафлар ажрим эълон қилинган кундан бошлаб, маҳқум эса ажрим нусхасини олган кундан бошлаб йигирма кунлик муддат ичида шу суд орқали Андижон вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига хусусий шикоят ёки протест билдириш ҳуқуқига эгадирлар.

Раислик қилувчи

имзо

Э.Пирматов

Ажрим нусхаси

аслига тўғри _____

